

Низомий номидаги ТДПУ
401 гуруҳ талабаси

Реферат

Бобурнома – ёднома асар мавзусини ўрганиш

Бажарди:

Исмоилов М

Текширди:

Тўхлиев Б

Бобурнома – ёднома асар мавзусини ўрганиш

Режа

Кириш

1. “Бобурнома” – ўзбек мумтоз насрининг нодир намунаси.

2. Академик лицейларнинг иккинчи босқичида “Бобурнома” асари ўрганиш.

3. “Бобурнома” асари матни устида ишлаш.

4. “Бобурнома” асарида халқ оғзаки ижодидан фойдаланишда шоир маҳорати.

5. Бобур ва “Бобурнома”нинг ёш авлодни тарбиялашдаги ўрни.

Хулоса.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

КИРИШ

Биз Бобур Мирзони улкан давлат арбоби сифатидагина эмас, комусий аллома, мумтоз шоир сифатида ҳам чексиз кадрлаймиз. Бобур ўзбек халқининг буюк фарзанди, миллий ғуруридир.

Ислом Каримов

Тарихдан маълумки, Ўрта Осиё дунёга кўплаб мутафаккир олимларни, шоирларни ва жаҳонгашта саркардаларни етказиб берди.

Маданиятнинг, илм-фан, меъморчилик ва санъатнинг ривожланган, тараққий этган даври ҳисобланган XV аср Мовороуннаҳр тарихида ўзига хос ёрқин ва аҳамиятли из қолдирди.

Мумтоз инсон, бобуршунослар таъбири билан айтганда, тарихимизнинг энг мураккаб, энг жозибадор, энг драматик сиймоларидан бири Заҳириддин Муҳаммад Бобур Мирзо айни мана шу даврда яшаб ижод этди. Бор-йўғи қирқ етти йиллик қисқа умри давомида жаҳон тарихидан шавкатли ўрин олиб улгурди.

Исми – жисмининг бир – бирига монанд келиши камёб ҳодисадир. Аммо бу азамат шахс – Бобур Мирзо тимсолида олмос истеъдодини синаб кўрмаган инсоний фаолият соҳаси жуда кам топилади. Илму маърифатга ташна бу инсоннинг муаллими – устоди Бухорои шариф мадрасаларида, Боғдоду Басрада эмас, шавқатсиз, отасиз ҳаёт саҳнида, жанг майдонида эди. Мураббийи – тарбиятқунандаси ҳам айни ҳаётнинг ўзи эди.

Қисмат уни, бир томондан, ўн тўққиз ёшида туғилган диёрини тарк этишга, иккинчи томондан, йигирма беш ёшида Афғонистон, Покистон,

Ҳиндистон, Бангладеш каби қатор мамлакатларнинг аксар қисмини забт этишга, шу билан буюк бобурийлар салтанатига асос солишга мушарраф қилди.

Унинг мамлакатдорлик сиёсати, ҳарб илми асрлар давомида жаҳон ҳукмдорлари учун ибрат мактаби бўлиб хизмат қилди.

Шу сабабли, унинг бу борадаги ноёб тажрибалари Юлий Цезарь, Бонапарт Наполеон, Атилла, Амир Темур сингари мумтоз давлат арбобларининг номлари билан бир қаторга қўйиб ўрганилади.

Бугунги кунда ота-боболаримизнинг асрлар давомида тўплаган ҳаётий тажрибалари, диний, ахлоқий, илмий қарашларини ўзида мужассам этган нодир қўлёмаларни жиддий ўрганиш даври келди. Бугун биз аждодларимиз ҳақида хорижда яратилган илмий-тарихий ва адабий асрлар билан бевосита танишиш имконига эга бўлдик. Улар орасида Президент Ислоҳ Каримов таъкидлаганидек: “Буюк маданият ва шарқона одоб-ахлоқ тимсоли” бўлган бобокалонимиз Бобур Мирзо ва у асос солган сулола вакиллари салтанати тарих олдида буюк аҳамият касб этди.

Кимки ўзбек номини, ўзбек миллатининг куч-қудратини, адолатпарварлигини, чексиз имкониятларини, унинг умумбашарият ривожига қўшган ҳиссасини, шу асосда келажакка ишончини англамоқчи бўлса, Заҳириддин Муҳаммад Бобур сиймосини англаш и керак. Мустақил Ўзбекистоннинг куч-қудрати,манбаи - халқимизнинг умуминсоний кадриятларга содиқлигидир,-деб ёзади Ислоҳ Каримов.¹

Бобур Мирзо шоир, адиб, шершунос-адабиётшунос, донишманд фикҳ, тилшунос, табиатшунос, мантиқ ва риёзиёт илмларидан пухта хабардор жамоат арбоби сифатида ўзидан бебаҳо маънавий мерос қолдирди. Шерники каби журъат ва матонат эгаси бўлган бу муқаррам зот ақл бовар қилмайдиган кашфиётлар билан юзма-юз яшаб ўтди, ўзидан бемисл маънавий хазина, буюк ном қолдириш учун курашди. У яхшилик ва

¹ И.Каримов. маънавий юксалиш йўлида. Т .: “Ўзбекистон”, 1998 й.

гўзаллик шайдоси эди. Охирги нафасигача эзгулик яловини баланд тутди, фарзандларига – ворисларига ҳам шу ҳақда васият қилди.

Бобур ўн олти- ўн етти ёшларидан ижод қила бошлаган. У “Бобурнома”да 1499-1500 йиллар воқеасини сўзлар экан “ул фурсатларда бирор-иккирор байт айтур эрдим, вале ғазал тугатмайдур эрдим”, - дейди.

Бобур ўзбек мумтоз адабиётининг, айникса, Алишер Навоийнинг бой адабий меросини ҳамда форс-тожик тилидаги адабиётнинг устоз санъаткорлари адабий тажрибаларини ўрганеди, ўзбек ва форс-тожик тилларида янги, ўзига хос шеърлар яратади, бу шерларини тўплаб, икки девон тузади. Бу девонлардаги айрим шеърлари “Бобурнома”га ҳам киритилган. У 20 ёшида янги бир ёзув - “Хатти Бобурий”ни ихтиро қилади. Мусиқа билан шуғулланиб, “Чоргоҳ” мақомига “савт”лар битади.”Бобурнома”дек улкан тарихий – бадиий асарни яратади. Солик ишларини тартибга солувчи “Мубайин ал-закот” (“Закот баёни”) асарини шеърый йўлда ёзади. Аруз назарияси ҳақида рисола тузади. “Мухтасар” номи билан шуҳрат топган бу асар Алишер Навоийнинг “Мезон ул-авзон”идан кейин аруз илмига бағишланган йирик асар эди. Унинг “Ҳарб иши”, “Мусиқа илми” номли асарлари ҳозиргача топилган эмас. Бобур таржима билан ҳам шуғулланиб, Хўжа Ахрорнинг “Волидия” асарини шеърый йўл билан ўзбекчага таржима қилади. Бу эса унинг араб тилини ҳам яхши билганлигидан далолат беради.

Шоирнинг лирик мероси ҳажми жиҳатдан унча кўп бўлмаса-да, мавзу доираси, шаклий такомили ва бадиий томонидан ғоят гўзал ва мукамаллиги билан ҳам алоҳида эътиборга лойиқ.

Бобур лирикасини ғазал, рубоий, қитъа, туюқ, маснавий, фард, муаммо каби жанрларда битилган ғоявий-бадиий жиҳатдан пухта-пишиқ бўлган асарлар ташкил этади.

Мислсиз сўз санъаткори ва салоҳият соҳиби Заҳириддин Муҳаммад Бобур маънавиятимиз султони, сарваридир. Унинг ижодий меросини,

хусусан, “Бобурнома” ва ҳатто кичик шеърӣ мисраларининг ўзини ҳам гўё катрага мисол келтиришимиз мумкин.

Касб-ҳунар коллежларида ўқувчилар мумтоз адабиёт билан академик лицейлардаги каби II босқичда танишадилар. Йил давомида ДТС ва ўқув дастурларида она тили ва адабиёт фани учун 120 соат ажратилган. Шундан 40 соати она тили ва 80 соати адабиёт учун мўлжалланган. Бобур ҳаёти ва ижодини ўрганиш мавзусига эса бор-йўғи 2 соат берилган. Дастурда:

Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳаёти ва ижоди. Бобур шеърӣяти. Ғазаллари бадиӣяти. Шоир рубоӣларида ватан иштиёқи, ёр хижрони. “Бобурнома” – ёднома асар сифатида. Ички қофия ҳақида кабиларни ўрганиш назарда тутилган. Аммо буларнинг барчасини 2 соат давоимда ўқувчига етказиш анча мушкул. Бу эса ўқитувчидан дарс усулини тўғри танлай билишни талаб қилади.

Академик лицейлар учун яратилган ДТС ва ўқув дастурларида Бобур ҳаёти ва ижодини қуйидаги шаклда ўрганиш назарда тутилган:

Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида маълумот. Бобур ҳақида замондошлари ва ундан кейинги буюк шахслар. Ягона марказлашган давлат тузиш йўлидаги уринишлар. Бобур – Шайбонихон зиддиятлари.

Бобурнинг “Хинд сори юзланиши”.

Бобур девони ҳақидаги маълумот, ундаги адабий жанрлар саноғи. “Чархнинг мен кўрмаган жабру жафоси қолдим”, “Топмадим”, “Хазон япроғи янглиғ гул юзинг” ғазаллари.

Бобурнинг рубоӣй, қитъа, туюқ, маснавий ва мухаммаслари ҳақида умумий маълумот. Бобур шеърӣятидаги бадиӣй санъатлар.

Бобур – арузшунос олим. “Мухтасар” ҳақида умумий маълумот. Асарнинг ўзбек адабиётшунослиги ва арузшунослиги тарихидаги ўрни.

Бобур – буюк носир. “Бобурнома” – ўзбек мумтоз насрининг нодир намунаси, унинг тарих, табиатшунослик, жўғрофия, элатшунослик, адабиёт ва санъат тарихига оид нодир манба эканлиги.

“Бобурнома” – мемуар асар. Ундаги тарихий шахслар (Алишер Навоий, Камолиддин Бехзод, Хусайн Бойқаро, Шайбонийхон) тасвири.

Бобур асарларидаги воқеалар иштирокчиси ва қаҳрамон сифатида.

“Бобурнома” илмий-маърифий ҳамда бадиий аҳамияти.

Бадиий адабиётда Бобур образи.

Буларни ўрганиш юзасидан 6 соат ажратилган. Академик лицей ўқувчилари ақлий қобилияти ва ижодий салоҳиятига кўра энг салоҳиятли ёшларни ташкил этар экан, шунга кўра уларнинг талаб ва эҳтиёжлари ҳам юқори даражада бўлиши табиий. Ана шуни ҳисобга олган ҳолда барча фанлар қатори, адабиёт фанидан ҳам атрофлича билим берилиши талаб қилинади. Ўқув дастурларини тузишда ана шу ҳолатга алоҳида эътибор қаратилгани кўриниб турибди. Бу эса ўқувчиларнинг олий ўқув юртларида ўқишни давом эттиришлари учун мустаҳкам замин тайёрлайди.

Академик лицейларнинг биринчи босқичлари учун “Адабиёт” дарслиги проф. Б.Тўхлиев томонидан яратилган. Аммо ҳануз II ва III босқичлар учун “Адабиёт” дарсликлари мавжуд эмас. Проф.Б.Тўхлиев томонидан II босқичлар учун мажмуа ҳам яратилди. Мажмуадан Бобур ҳақидаги бўлимнинг берилишини кузатамиз:

Заҳириддин Муҳаммад Бобур

(1483 – 1530)

Заҳириддин Муҳаммад Бобур адабиётимиз тарихида такрорланмас сиймолардан биридир. У фақат йирик адиб, буюк тарихчи, улкан олимгина эмас, балки моҳир саркарда ва буюк давлат арбоби ҳам эди. Унинг ижоди мана шу соҳаларнинг барчаси билан чамбарчас боглиқ ҳолда юзага келди.

Унинг мустақил сиёсий фаолияти жуда эрта бир тарзда – отаси Умаршайх Мирзонинг кутилмаганда вафот этиши муносабати билан бошланган. Шунда у бор-йўғи 12 ёшда эди.

Бобурдан бизга улкан мерос қолди. Бу мерос шоирнинг девони, “Бобурнома”си, бир қатор илмий, тарихий, диний-фалсафий ва

ахлоқий-таълимий руҳдаги асарлардан иборат. У Хожя Убайдуллонинг “Рисолайи волидия”сини ўзбекчалаштирди, мусулмон ахлоқига оид “Мубаййин” асарини яратди, “Хатти Бобурий”ни ихтиро қилди.

“Бобурнома” – адабий ва тарихий аҳамиятга молик асар. Унда ўз давридаги кўплаб кишиларнинг турли вазиятлардаги кечинмалари, Осиёнинг кўплаб тоғлари, дарёлари, ўрмон ва чўллари, иқлими, аҳолиси, ижтимоий, иқтисодий, сиёсий аҳволи ҳақидаги маълумотлар жамланган.

“Бобурнома” – ўзбек насрининг гўзал намунаси . бу пайтгача Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг” асарининг муқаддимасида, Рабғузий ижодида наср намуналари учрар эди. Алишер Навоий уни юқори нағонага олиб чиқди. Бироқ “Бобурнома” ўзбек насрининг ўзига хос кашфиёти сифатида юз кўрсатди.

Асарда тарихнинг Бобур яшаб ўтган даври воқеалари ифодаланган. Бу воқеалар Андижон, Самарқанд, Хўжанд, Ҳиротдан бошлаб, Қобул ва Аграгача бўлган қамровга эга. Яъни унда Ўрта Осиёдан бошлаб Ҳиндистонгача бўлган ўлкалардаги деярли 50 йиллик воқеалар ҳааққоний ифода ва баҳосини топган.

“Бобурнома”даги воқеалар баёни аниқ, ихчам ва лўнда, таъсирчан, энг муҳими, ҳаётий ҳақиқатга мос ва мувофиқлиги билан эътиборлидир.

Бундан ташқари мажмуадан 19 та ғазал, 24 та рубоий, 2 та туюқ ва 1 та фард ўрин олган. Ҳар бир шеърларнинг остига луғатлари бериб борилган. Шеърлари орасига Бобур асарларига ишланган миниатюралар киритилган. Бу эса ўқувчиларнинг XV аср кишиларининг ҳаёти, турмуш тарзи, ижтимоий муносабатлар, сарой муҳити ҳақида маълум тасаввурларни шакллантиришга ёрдам беради. Ғазал ва рубоийларнинг кўп берилиши ўқувчиларнинг билимлари ва қизиқишлари доирасида танлаб, ёд олиш ҳамда таҳлил қилиш имкониятларини яратади.

Биз айрим ўқитувчилар дарсини кузатганимизда “Бобурнома” асари матни устида ишлаш учун 3 соат ажратилган бўлсада, ўқитувчи “Бобурнома” асари юзасидан маълумотларни қуруқ баён этиш йўли билан зерикарли тарзда олиб борди. Жумладан, “Бобурнома” нечинчи йил воқеаларини ўз ичига олгани ва қачон яратилгани, қўлёзма нусхалари, чет тилларига қилинган таржималари, унинг тарихий, бадий, мемуар асарлиги таъкидлаб ўтилди, бироқ далиллар келтирилмади. Мемуар асар ҳақида назарий маълумот берилди. Дарслигдан “Андижон” ва “Самарқанд” тасвирлари ўқувчилар томонидан ўқилиб, луғат ёрдамида таҳлил қилинди. Аммо асарда Бобур шахсиятининг намоён бўлиши, унинг ўзига хос ифода ва баён услублари, тасвир воситалари хусусида тўхтаб ўтилмади. Ибрат ва намуна мактаби бўла оладиган жиҳатлари кўрсатиб берилмади. Ҳар бир асарнинг ўзига хос бадий-эстетик қиммати, маънавий аҳамияти бўлади. Унда маълум бир мақсадлар, ғоялар ўз тажассумини топади. Ўқитувчи олдида турган вазифалардан бири ҳам асар моҳиятини ўқувчиларга етказиб бериш, ёзувчининг бадий-эстетик маҳоратини намоён қилиш ва шу орқали улардаги барча марғуб хислатларни шакллантиришдир.

Дарс жараёнида “Бумеранг” усулидан фойдаланилди. Уйга вазифа сифтида ўқувчиларга Заҳириддин Муҳаммад Бобур ижодини мустақил ўрганиб келиш топширилган. Дарс давомида гуруҳ ўқувчилари 4 та гуруҳга ажратилди. Ўқитувчи томонидан тайёрлаб келинган матнлар ҳар бир гуруҳ ўқувчиларига тарқатилади. Тарқатма материаллар гуруҳ аъзоларининг ҳар бирларида бўлиши шарт. Улар тарқатма матнлар билан танишиб, мулоҳаза юритадилар, уларнинг мазмунини эсда сақлаб қолишлари талаб қилинади. Бу матнлар Бобур ҳаёти ва ижодига боғлиқ бўлиб, ундаги маълумотлар бир-бирини такрорламайди. Биринчи матн - Бобурнинг насл-насаби ва Самарқанд сафари; иккинчи матн - нотинч кунлар, Қобул азимати; учинчи матн - Бобур шеърятининг ғоя ва мавзу кўлами, тўртинчиси – “Бобурнома” мемуар асар. Мавзулар тарқатилгач, сокин мусиқа тингланиб, 7 минут

давомида матн билан танишиб чиқиш топширилди. 7 минутдан кейин вақт тугаганлиги эълон қилиниб, матн билан танишиш тўхтатилди. Кейинчалик ўқитувчи томонидан олдинги рамзий белгилар йиғиб олинди, ҳар бир гуруҳга беш хилдаги белги тарқатилиб, бир хил белгиларни танлаган ўқувчилардан янги 4 та гуруҳ ташкил қилинди. Янги гуруҳдошлар ҳар бирида турлича матнлар мавжуд бўлди. Энди, 10 минут вақт берилиб, гуруҳдаги талабалар ўзларининг матнлари билан бир-бирини мукамал таништириб чиқдилар. Вақт тугагач, ҳар бир ўқувчи ўзининг олдинги гуруҳига қайтарилди. Шундан кейин ўқитувчи ўқувчилардаги барча матнларни йиғиб олди. Шу жараёндан кейин дарснинг асосий қисми бошланди, яъни матн бўйича ўқитувчи гуруҳларга қуйидагича саволлар билан муурожаат қилди.

1. Қандай қилиб 12 ёшли Бобур Фарғона вилоятига подшоҳ бўлди?
2. Бобурнинг Самарқанд, Қобул, Ҳиндистонга қилган юришларининг сабаби нимада?
3. Бобур нега Самарқандни узок вақт қўлида тутиб тура олмади?
4. Бобур Ҳиндистонда қандай эзгу ишларни амалга оширди?
5. Бобур шахси ҳақида нималар дея оласиз? Унинг мард, довюраклиги, тадбиркорлигини кўрсатувчи қандай воқеаларни келтира оласиз?
6. Бобур ватанпарварлик ғоясини қандай мисраларга сингдирган?
7. “Бобурнома”нинг ҳам тарихий, ҳам бадий асар эканлигини тушунтиринг.

Ҳар бир гуруҳнинг жавоблари шу пайтнинг ўзида баҳоланиб борилди. Тўлиқ жавобга - 3 балл, қисман жавоб учун – 1 балл билан баҳоландилар берилган саволлар ўқитувчи томонидан олдиндан тайёрлаб келинган. Бу жараён якунлангач, ҳар бир гуруҳ мавзуга оид битта савол билан рақибларига муурожат қилишди. Бу усул бир соатга мўлжалланган бўлиб, дарснинг қолган вақт давомида ўқитувчи бир қанча ўқувчилар томонидан тўлдириладиган схемалардан ҳам фойдаланди.

Унга кўра ўқувчилар Бобур “Бобурнома”да қайд этиб ўтган ҳайвонлар, ўсимликлар ҳақида маълумот олиш назарда тутилади.

Марказий осие

Ҳайвонот олами	Ўсимликлар дунёси
Оқ кийик,буғу-марал,ёввойи куён,кўй; Қирғовул,товуқ,ғоз,бағриқора,қилк ўйрик,мурғаки	Анор,ўрик,бодом,олма,қовун,узум,қароли,ношвоти,дон; Бинафша,лола,чечак,тобулғу,ябрух ус-санам,айиқўти.

Қобул

Ҳайвонот олами	Ўсимликлар дунёси
Маймун,чўчка, учар тулки,мушкин сичқон,нилагов,кўтахпой,қулон,кўтон, кийик;уқор,лўча,шорак,тўти,товус,қарқара,турна, ўрдак.	Узум,анор,ўрик,олма,беҳи,шафтоли,қароли,санжил,бодом,ёнғоқ,норунж,турунж,амлук,найшакар,чилғўза,бодринг,хурмо,эмлук,рўян,зайтун,ханжак,қарқанд, Ножу,чил,ғўза,балут,чинор,тол,лола,арғувон,бутака,кулон кўйриғи, кўк шувоқ.

Ҳиндистон

Ҳайвонот олами	Ўсимликлар дунёси
Карк,нилагов,кўтахпой,калаҳра,нувл, гилаҳрий,сув шеро,сейсор,фил,чиний хўкиз,гарийал; дуррож,канжал,харчал,чарз,данг,уқор,ҳакка,товус, Бўзак,ўрдак,ола қарға,шакқа,кўйал.	Анба,кейла,анбилиий,махва,камрак,баҳал,сангтара,садофил,норжил,гулар,таар,норанж,панийал; Жаасун,гули канейр,кевра,ёсуман.

ДТС ўқув дастурларида кўрсатилган мавзулар кўлами қамраб олинган 2 соат дарс давомида ўқувчилар Бобур ҳаёти ижоди, ҳарбий юришлари,

лирикаси ҳамда “Бобурнома” ҳақида маълумот олдилар. Айниқса, “Бобурномада” қайд этилган табобату набобат олами билан танишиш орқали эса Бобурнинг ҳам табиатга, ҳам жамият аъзоларига чексиз эътибор ва эҳтиромини билиб олдилар.

“Бобурнома” асаридан Фарғона, Самарқанд, Қобул, Ғазна, Ҳиндистон каби жой номлари ҳамда Ҳусайн Бойқаро ва Алишер Навоий сингари тарихий шахслар тасвири ва тарифидан лавҳалар берилган.

Зеро, санъаткор шоир шеърлятида ҳам ўзида мунаввар оламни, унинг ҳадсиз – ҳудудсиз сиру синоатларини мужассам этган қатрага хос хосса, мўъжиза бор. Бинобарин, биз, уни қанчалик мутолаа этмайлик, унинг янги – янги қирралари инсон ақлини ҳайратга, руҳини туйғулар оламига тўлдирувчи фазилатлари очилаверади.

Умуман олганда, Бобурнинг машаққатли ҳаёт йўли, ижодий фаолияти ҳозирги кунда ёшларга ибрат бўлмоғи лозим. Маънавиятимиз сарвари бўлган бу улуғ зот мансуб бўлган миллат фарзандлари эканимизни, томиримизда Бобур шижоати жўш ураётганини ҳар биримиз ўйласак, англасак қалбимизни чинаккам ифтихор туйғулари қамраб олади.

Ҳазрати Бобур Мирзо ижодини ўрганар эканмиз, бунга яна бир бор амин бўламиз. Бу улуғ инсоннинг жавоҳир хазинаси биз ўзбекларнинг бошимизни сарбаланд, қаддимизни тик қилиб юришга ундайди. Халқимизнинг кучига куч, ғайратига ғайрат қўшади. Аммо аждодларимизнинг, яъни Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг маънавият ва инсонийликни қайта тиклаш учун хизмат қиладиган моддий ва маънавий ёдгорликларни қидириб топиш, уларни халқимизнинг маънавий эҳтиёжларини қондириш йўлида сафарбар қилиш бугунги куннинг энг долзарб вазифаларидан биридир. Албатта ҳозирга қадар ҳам бу йўлда жуда катта ишлар амалга оширилди.

Бобур Мирзо ҳаётининг мазмуни, бетакрор фаолиятининг асосий маъноси – Ватанга муҳаббат деган олий қадриятлардан иборатдир. Зотан, бу қадрият бугунги кунда ҳам, бундан кейин ҳам биз учун, авлодларимиз учун

бирдек кадрли бўлиб қолиши, шубҳасиз. Чуқурроқ ўйлаб қарайдиган бўлсак, бу васият айнан бизлар учун-буюк лашкарбошининг, хассос шоирнинг, мутафаккирнинг бугунги авлодлари учун айтилган. Бу дунёда халқимиз, миллатимиз, Ўзбекистонимиз бор экан, Бобур Мирзо номи яшайверади.

Бобурнинг ўқувчилар саводхонлигини, пировард натижада таълим самарадорлигини ошириш бўйича фаолиятини ҳам ёритиш ўқувчилар маънавиятини ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади. Ҳозирда хорижий давлатларда таълим олиш, уларнинг тили, маданияти, санъатини ўрганиш, барча давлатлар билан ҳамкор-ҳамнафас бўлиб яшашга интилиш кучайган бир вақтда Бобурнинг ўз она тили билан биргаликда, форс тили ҳаттоки, урду тилида ҳам шеърлар битгани, “Бобурнома”да 412 та урду, ҳиндий сўзлар қўлланганига ўқувчилар диққатини жалб қилинса, мақсаддан холи бўлмайди. Бобур таржимон сифатида ҳам моҳирлик билан ижод қилиб, Хожа Убайдуллоҳ Ахрорнинг форс тилидаги насрда битилган “Волидия” асарини ўзбек тилига назмда таржима қилади. Ушбу асарни ўқувчиларга мустақил мутолаа учун вазифа қилиб берилса, синфдан ташқари машғулотларда, тарбиявий соатларда таҳлил, талқин қилинса, мустақил иш учун мавзу қилиб топширилса, уларни диний ва миллий қадриятлар асосида тарбияланишларига кўмаклашади. Турли хилдаги сохта, асоссиз ғоялардан сақланишларини таъминлайди. “Мухтасар” асари эса таълим тизимида адабиёт назарияси, аруз назариясидан маълумот беради, фақат маълумот берибгина қолмасдан, назмни тушуниш, ҳис этиш, ифодали ўқиш имкониятларини яратади. “Муסיқа илми”, “Ҳарб илми” асарлари тарих тўфонлари қатларида қолиб кетмаганда эди, балки ҳозирги кунда махсус муסיқа ва ҳарбий мактаблар учун дастуриламал бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз эди. Айниқса, ўзбек тили учун араб алифбосидан анча афзал бўлган “Хатти Бобурий”нинг ихтиро қилиниши зўр журъат ва ижобий ҳодиса эди.

Бобур нозик таъб, нозик мижоз ижодкор сифатида ўз атрофининг гўзал бўлишини, гўзалликдан бутун инсониятни баҳраманд бўлишини истар эди. Унинг ўзи поку, кўзи поку, сўзи пок инсонларни кўйлагани бежиз эмас.

Айни шундай инсонларгина баркамол, яъни комил бўлиши, комил инсонлар эса жамиятни айниқса, ёшларни тарбиялашда шахсий намуна вазифасини аъло даражада адо эта олиши мумкин. Шунинг учун ҳам ҳар бир шахснинг алоҳида олинган инсоннинг комиллиги жамиятнинг ютуғидир. Бобур таърифидаги бу ҳолат барчага ибрат бўла олади.

Бобур мукамалликнинг белгиларидан яна бири жисмоний баркамоллик, тан бақувватлигида деб қарайди ва бу борада ҳам беназир инсон ирода тимсоли сифатида намоён бўлади. “Бобурномада”ўқиймиз: “Менда ғусулга эҳтиёж бор эди. Ёқаларини қалин муз қоплаган, сувнинг тезлиги боис ўртаси музламаган бир ариқдаги сувга кириб ғусл қилдим. Ўн олти маротаба шўнғидим. Сувнинг совуқлиги ҳийла таъсир қилди”.²

Шоирнинг ёзишича, одам оламга келганидан сўнг, ўзини – ўзи тарбиялаш билан шуғилланмоғи лозим. Шунда у ўзининг нуқсонларини кўриб, уларни йўқотиш учун ҳаракат қилади. Агар инсон ўз нуқсонларини сезса-ю, аммо уни йўқотиш, бартараф қилиш ҳақида бош қотирмаса, ўйламаса, у ҳеч қачон камолот чўққисига кўтарила олмайди.

“Бобурнома”даги яна бир лавҳага эътиборимизни қаратайлик: “...сўнгралар йигитлик ҳавасидин ва нафс тақозосидинким, чоғирға майл пайдо бўлди, таклиф қилур киши йўқ эди, балки чоғирға майлимни билур киши йўқ эди. Кўнглум агарчи мойил эди, мундоқ қилмағон амрни ўзлук била қилмоқ мушкил эди”.

Хуллас Бобур халқ мақол ва таъбирларидан,сўз ўйинларидан,фольклор образларидан маҳорат билан фойдаланиб, лирик шеърятнинг бадиий мукамаллигини, эстетик таъсирчанлигини оширган. Бу бадиий услуб ёки анъана унинг машҳур “Боурнома”сида ҳам давом эттирилган.

Адиб “Бобурнома”да мароқли ва жозибали услуб билантурли хил саргузаштларни, ривоят ва латифаларни ҳикоя қилади,халқ юмори, халқ мақоллари ва таъбирлари билан ўз асарини безайди, турли хилдаги бадиийусул ва тил воситаларидан фойдаланади.

² Бобур. “Бобурнома”. 86-б.

“Бобурнома”да Ўрта Осиё, Афғонистон, Эрон ва Ҳиндистон халқларига хос бўлган урф-одатлар, расм-русумлар ҳам ўта кузатувчан кишининг нигоҳи билан қизиқарли акс эттирилган.

Туркий халқлар, хусусан, ўзбек халқи ўртасида келинчакнинг юзига парда тутиб, қайнота, қайнона уйида ифбат билан юриш тартиби бор. Оиладаги катта ёшдагиларнинг келинчак юзидаги пардани олишлари келинчакка нисбатан ҳурматсизлик деб қаралган. Шунинг учун ҳам бу паридани келинчакнинг кичик ёшдаги қариндошлари оладилар.

Букун эл ўрасида “юз очди” кунни дейлиб, кичикроқ доирага ош тортилади. Шу кундан бошлаб келин рўзгор ишларини бажаришга киришади. Мана шу одат “Бобурнома”да қуйидагича баён қилинган:

“Яна бири Хонзода бегим эди, Тирмиз хонзодаларидан эди. Мен Самарқандда беш ёшимда Султон Аҳмад Мирзо қошига келган фурсатда олиб эди. Ҳануз юзи ёпуғи бор эди. Туркона расм била манга буюрдилар, мен юзини очтим”.

Адибнинг Ҳиндистон ва Бангола халқларига хос ажиб одат ва расм-русумлари ҳақидаги ҳикоялари ҳар қандай ўқувчини ҳамчуқур мулоҳаза юритишга ундайди:

“Яна Банголада бу расмдурким, ҳар кишиким, подшоҳ бўлди, бурунги подшоҳларнинг хизонларини сарф ва харж қилмоқлик куллий айб ва ордур. Ҳар ким подшоҳ бўлса яна янги хизони йиғмоқ керак.

Хизони жамъ қилмоқлик ул элнинг қошида фахр вამубоҳоттур, яна бир расм будурким, хизона ва пойгоҳ ва мулк салотинининг эамиъ маунотининг қадимдан муқарра ва муайян танлари парганлар бордурким, ўзга ерга ало харж бўлмас”.

Шунингдек, Бобур ҳинд халқи орасидаги ҳомиладор аёлнинг қайси жинсли фарзанд туғилишини олдиндан башорат қилувчи пол очииш одатлари ҳақида қуйидагича ҳикоя қилади:

“Ғолибо зуафо (аёллар) фоле расмдурким, ўгил бўлурму ё қиз бўлурму экан деб, икки фогозда бирида Али ё Ҳасан битиб, яна бирида Фотима

битиб,иккиқулула балчиқ ичида қўйуб,ул балчиқларни бир оёғ сув ичига қўярлар. Ҳар қайси бурна очилса, андин истидлол қилурлар: Эр келса,эр бўлур дерлар, қиз келса,қиз бўлур дерлар, фол қилдилар, эр келди. Чун мужда бўлди, анинг юзидин ўқ хат бирб йибордук”

Бобур халқ орасида расм бўлган ушбу одатни Ҳиндолнинг туғилиши билан боғлиқ бўлган воқеалар муносабати билан келтиради.

Ўта қизиқувчан бўлган бу зотнинг назаридан ҳатто лўлиларнинг ўйини ҳам четда қолмаган:

“Яна бири буким, бир кичик лўли улуг лўлининг бошига чиқиб, тик турадур, қуйиғалўли ул сари илдам юруб, иш кўрсатганда, бу кичкина ул лўлининг бошининг устида тип-тик тебранмай туруб, ул ҳам ишлар кўрсатадур”.

Туркий халқларга хос урф-одатлар,анъаналар заминида улғайган Бобур ўз она юрти Андижон ҳақида шундай ёзади:

“Андижондурким, васатта воқиъ бўлубтур, Фаргона вилоятининг пойтахтидур. Ошлиғи вофир, меваси фаровон, қовун ва узуми яхши бўлур. Қовун маҳалида полиз бошида қовун сотмоқ расм эмас”.

“Бобурнома”да айрим сўзлар ёки жой номларининг келиб чиқиши билан боғлиқ бўлган мухтасар ривоятлар ҳам учрайди.

Бобур Хўжанд ва Конибодом орасидаги Ҳодарвеш деган дашт ҳақида сўзлар экан,” дерларким,бир неча дарвеш бу бодияда тунд елга йўлукуб,бир-бирини тополмай,”Ҳо дарвеш, Ҳо дарвеш” дея-дея ҳалок бўлубтурлар, андин бери бу бодияни Ҳодарвеш дерлар” деса, Сирдарёёқасидаги дарёнинг торроқ бир еридан бир така сакраб сувдан ўтгани учун у ерни “Такасекирган” деб атайдилар дея шу ҳақдаги халқ ўртасида юрган ривоятларни келтиради.

Ифоданинг содда ва равонлиги, оз сўз билан кенг фикрни баён этиш, сўзларни танлаб ишлатиш Бобур ижодигахос хусусиятлардан биридир. У она тилининг маъно товланишларига халқ мақол ва таъбирларига катта эътибор билан қараб, ўз асарларида улардан ниҳоятда ўринли фойдаланди:

“Душман не демас, тушга не кирмас”, “Қопуғдағини копмаса, кариғунка қайғирур”, “Кўзларинитуз тутти” каби Халқ мақоллари “Бобурнома”нинг бадиийлигини янада оширади.

“Бобурнома”нинг тўққиз юз тўққизинчи ҳижрий (1503-1504) йил воқеалари тафсилотида Бобур бекларга қанчасовзава инъомлар бермасин, улар унинг ўз андижони ҳақида кўп гапиришини ва андижонча сўзлашини айтиб танқид этишларидан зорланади ва ўз фикрини иккита халқ мақоли билан чиройли хулосалайди. “Ёлғиз бу эмас ҳар қачонким, Тангри Таоло дастхати берди, меҳмон ва ғариб бекларни ва йигитларни бойрилардин ва андижонийлардин ортуруқ ва яхшироқ кўрдум. Бовужуд ажаб балоедурким, ҳамиша эл мени гийбат қиладурким, бойридин ва андижонийдин ўзгани риоят қилмас, масал борким,”Душман не демас, тушга не кирмас”.
“Дарвозаи шаҳрро тавон баст, натвон даҳани муҳолифон баст” (шаҳар дарвозасини ётиб бўлади-ю, душман оғзини ётиб бўлмайди).

Мумтоз адабиётимиз намуналарини ёш авлодга етказишда Бобурнинг бу каби инсоний кадр –қимматга эҳтироми, атрофидагилар фикр – мулоҳазаси билан ҳисоблашиши, жамият қонун – қоидалари барча учун, жумладан, шоҳ Бобур учун ҳам эканлигини исботловчи далилларни кўпроқ келтириб ўтишимиз керак. Юқоридаги лавҳада кўришиб турибдики, Бобур май ичишга ўзида қанчалик мал сезмасин, ёши катталар, даврадошларининг хоҳиши – истаги бўлмагани учун ўзини тияди, иродасини ишга солади, ичмайди. Айна хислат бугунги ёшлар учун, уларнинг май ва бошқа сархуш этувчи моддаларни истеъмол қилишдан тийилишларида бир ибрат, маънавий сабоқ вазифасини ўташи, шубҳасиз.

Заҳириддин Бобурнинг буюклиги шу ердаки, унинг илмий ҳафизаси бир инсон, бир мамлакат доирасидагина чекланиб қолмаган. У бутун жаҳон донишмандлари қаторидан жой олганди. Бобурнинг инсон деган сўзи буюк зотнинг ҳаёти ва ижоди билан чамбарчас боғлиқдир. У давлат арбоби, инсонларнинг ғамхўри бўлиши билан бирга, ўз шахсий ҳаётида ҳам чин

инсон эди. Унинг лирик шеърларида, илмий асарларида ҳам шу ғоя сезилиб туради.

Буюк шоир шеърлятида тор миллий доиралардан юқорига кўтарилгани яққол кўзга ташланади. У барча халқларнинг вакилларига адолат кўзи билан қарайди, уларнинг урф – одатларини ҳурмат қилади, жамият аъзоларининг мансабига, давлатига қараб эмас, инсоний фазилатларига қараб ардоқлайди. “...Унинг саройида ҳар хил диний эътиқоддаги, янғ фикр, мулоҳазаларни изҳор қиладиган ёки янгиликлар очган одамларни учратиш мумкин эди”, - дейди Неру.

Энг аввало, Бобур меросини ўрганиш орқали ўз – ўзимизни ислох қиламиз, масъулият туйғусини ҳис этамиз. Ўқувчи-ёшларимизга бош ғоямиз бўлган миллатлараро ҳамжиҳатлик ва диний бағрикенглик ғояларини тарғиб этишда, уларнинг онги ва шуурига сингдиришда Бобур ижодига таянамиз. Диний ва мафкуравий таҳдидлар авж олган бир даврда бундай иллатларга қарши соғлом фикр юритишда ибратли ўғитларидан куч оламиз. Дарҳақиқат, у яратган лирик қаҳрамон ирқий, жинсий, миллий, диний айирмаларга парво қилмайди. Буларнинг барчаси, шубҳасиз, шоир ижодининг комиллик меъзони – инсоний фазилатларидир.

Ҳеч шубҳа йўқки, Бобур Мирзо ва бошқа тарихий шахсларнинг бой меросидан давримизнинг муҳим вазифаларини бажаришда фойдаланишимиз лозим, буни қилмоқдамиз ҳам. Башариятнинг мана шу биргина даҳо фарзанди ҳақида бугунга қадар юзлаб китоблар ёзилган. Ва, ҳали яна юзлаб, минглаб асарлар битилгусидир.

Чунки унинг тарихи ва тақдири халқимз тарихи ва тақдири билан чамбарчас боғлиқ. Халқимз тарихини ёзмоқ учун эса шоир айтганидек, “минглаб Фирдавсий керак”.

Нафақат олис-яқин кечмишларимиз, балки ўтаётган умримизнинг ҳар лаҳзаси-тарих. Тарихнинг ҳар лаҳзаси эса тадқиқ ва таҳлилга муносиб.

“Бобурнома” асари юзасидан конференция машғулотлари учун дарс режаси:

1. “Бобурнома” асари неча йил давомида ёзилган?
2. Бу асарнинг ёзилишида Бобур ўз олдига қандай мақсад қўйган?
3. Бобур кимларга раҳнамолик қилган?
4. Асарда қандай ахлоқий масалалар ўртага қўйилган?
5. Асарнинг бадий қиммати нимада?

Бобур Мирзо мукамалликнинг белгиларидан яна бири жисмоний баркамоллик, тан бақувватлигида деб қарайди ва бу борада ҳам беназир инсон ирода тимсоли сифатида намоён бўлади. “Бобурномада” ўқиймиз: “Менда ғусулга эҳтиёж бор эди. Ёқаларини қалин муз қоплаган, сувнинг тезлиги боис ўртаси музламаган бир ариқдаги сувга кириб ғусл қилдим. Ўн олти маротаба шўнғидим. Сувнинг совуқлиги ҳийла таъсир қилди”.³

Шоирнинг ёзишича, одам оламга келганидан сўнг, ўзини – ўзи тарбиялаш билан шуғулланмоғи лозим. Шунда у ўзининг нуқсонларини кўриб, уларни йўқотиш учун ҳаракат қилади. Агар инсон ўз нуқсонларини сезса-ю, аммо уни йўқотиш, бартараф қилиш ҳақида бош қотирмаса, ўйламаса, у ҳеч қачон камолот чўққисига кўтарила олмайди.

“Бобурнома”даги яна бир лавҳага эътиборимизни қаратайлик: “...сўнгралар йигитлик ҳавасидин ва нафс тақозосидинким, чоғирға майл пайдо бўлди, таклиф қилур киши йўқ эди, балки чоғирға майлимни билур киши йўқ эди. Кўнглум агарчи мойил эди, мундоқ қилмағон амрни ўзлук била қилмоқ мушкил эди”.

Мумтоз адабиётимиз намуналарини ёш авлодга етказишда Бобурнинг бу каби инсоний қадр – қимматга эҳтироми, атрофидагилар фикр – мулоҳазаси билан ҳисоблашиши, жамият қонун – қоидалари барча учун, жумладан, шоҳ Бобур учун ҳам эканлигини исботловчи далилларни кўпроқ келтириб ўтишимиз керак. Юқоридаги лавҳада кўриниб турибдики, Бобур май ичишга ўзида қанчалик мал сезмасин, ёши катталар, даврадошларининг хоҳиши – истаги бўлмагани учун ўзини тияди, иродасини ишга солади,

³ Бобур. “Бобурнома”. 86-б.

ичмайди. Айни хислат бугунги ёшлар учун, уларнинг май ва бошқа сархуш этувчи моддаларни истеъмол қилишдан тийилишларида бир ибрат, маънавий сабоқ вазифасини ўташи, шубҳасиз.

Заҳириддин Бобурнинг буюклиги шу ердаки, унинг илмий ҳафизаси бир инсон, бир мамлакат доирасидагина чекланиб қолмаган. У бутун жаҳон донишмандлари қаторидан жой олганди. Бобурнинг инсон деган сўзи буюк зотнинг ҳаёти ва ижоди билан чамбарчас боғлиқдир. У давлат арбоби, инсонларнинг ғамхўри бўлиши билан бирга, ўз шахсий ҳаётида ҳам чин инсон эди. Унинг лирик шеърларида, илмий асарларида ҳам шу ғоя сезилиб туради.

“Бобурнома”да келтирилган мақолларни берамиз:

1. Дўстлар билан ўлим – тўйдир.
2. Қопудагини қопмаса, қаригунча қайғулар.
3. Ишонмагил дўстинга, сомон тикар пўстинга.
4. Кўзларини туз тутти.
5. Тенг бўлмагунча туш бўлмас.
6. Май лаззатин маст билур, хушёрларга не хузур.
7. У кечувни сув олиб кетди.
8. Душман не демас, тушга не кирмас.

Ушбу мақолларга ўқувчилар томонидан таъриф берилади ва уларнинг рубоийлар билан боғлиқлик жиҳатлари аниқланади.

Ўқувчилар шу каби ўзлари билган халқимиз орасида кенг тарқалган мақоллардан ҳам мисоллар келтирадилар:

1. Дўстинг бўлса,боғинг чамандир,
Дўстинг бўлмагани - феълинг ёмондир.
2. Ёлғон айтган кишининг ,
Хатари бор ишининг .
3. Яхшилик қил дарёга ташла,
Балиқ билар,
Балиқ билмаса холиқ билар.
4. Нафсини тийган киши султон бўлур,
Нафсини тиймаган киши ултон бўлур.
5. Қаноат тўрга элтар,

Очкўзлик - гўрга.

6. Ҳасад ўтини дарё ўчиролмас.

Ўқувчиларнинг эстетик дидларини тарбиялаш, энг аввало, улардаги бадиий ҳиссиёт туйғуларини тарбиялаш билан амалга оширилади.

Хулоса

Дунёдаги не-не фозил нисонлар унинг ҳақида то ҳануз ҳайрат ва эътирофга тўла ҳикоялар сўзлайдилар. Ва у тарихда камдан-кам учрайдиган фавқуллодда ҳодиса деганлар. Эрскин, Эдуард Холден каби Европа олимлари Бобурни тарихдаги ўша вақтларга қадар бўлган лашкарбоши, дипломат, давлат арбобларининг энг атоқлиларидан бири деб атаганлар. Улар Бобур томонидан адабиётга, фанга киритилган буюк ҳиссани ҳаяжон билан қайд қиладилар.

Бобурнинг шахсий фазилатлари, алоҳида қобилият ва иқтидори ҳақидаги тарихий далилларни келтириш ўқувчиларнинг қалбига кучли таъсир этади ва бу ҳолат уларнинг Бобур ижодига бўлган қизиқишларини ортиради. Шу ваздан, Бобурнинг жаҳон илм-фани тараққиётига кўшган ҳиссаси, Афғонистон, Покистон ва Ҳиндистонда тутган ўрнини кўрсатиб берувчи давлат ва жамоат арбобларининг қайдномаларига диққатимизни қаратамиз:

Бобурнинг “Бобурнома”сини инглиз тилига таржима қилган Эрскин Бобур ҳақида шундай дейди: “Бобур характерининг энг мислсиз белгиси унинг бошқа мулкдорларникига мос келмаслигидадир. Бобур тахтга ўтирганига қарамай, оддий турмушнинг энг яхши туйғуларини ва иштиёқини ўзида сақлаб қолган... унинг бевафо тақдирнинг найрангларига қарамай рўҳининг тетиклиги, подшоҳлар орасида камдан-кам учрайдиган саҳийлиги, мардлиги, талантлилиги, фанга, санъатга муҳаббати ва улар билан муваффақиятли шуғилланиши жиҳатидан олиб қаралганда, Осиёдаги

подшоҳлар ичидан Бобурга тенг келадиган биронта ҳам подшоҳ тополмаймиз”⁴.

Ҳарбий санъат жиҳатидан, Бобурни Ғарблик шарқшунос олимлар Юлий Цезарь билан таққослайдилар, ҳатто уни Цезардан ҳам юқори қўйиб, XIX асргача лашкарбошилиқ санъатининг мўъжизаси деб ҳисоблайдилар.

Бошқа бир олим Эдуард Холден шундай деган эди: “Бобур соф жентелмен ва жангчи бўлган. У олийжанобликда қандай хосиятлар бор бўлса, уларнинг барчасини эгаллаган. Унинг манглайига юксак фазилат битиб қўйилган”⁵.

Зеро, Бобурнинг ўзи: “Донишманлар шарафли бўлишни иккинчи ҳаёт деб билганлар”, - деган эди. Атоқли олим ва ёзувчи Муҳаммад Бобурнинг ҳам иккинчи ҳаёти беш юз йигирма етти йилдан ортиқроқ вақтдан бери давом этиб келмоқда.

Жавоҳарлал Неру Бобур ҳақида ўзининг “Ҳиндистоннинг кашф этилиши” китобида қуйидаги баҳони келтиради: “Бобур дилбар шахс, уйғониш даврининг типик ҳукмдори, мард ва тадбиркор одам бўлган. У санъатни, адабиётни севарди, ҳаётдан ҳузур қилишни яхши кўрарди”⁶.

Бобурнинг фикр доираси, ниҳоятда кенг, эрудитцияси жуда чуқур, хотираси эса “Бобурнома”да кўзга ташланишича ғоятда кучли, ҳақиқатдан ҳам кишини ҳайратда қолдирадиган даражада ўткир бўлган. Уни нафақат табиат, балки, унинг барча сиру синоатлари, бемисл гўзалликлари ва уларнинг асл моҳияти, айни чоқда, ҳайвонотлар дунёси, яна муҳими, уларнинг ўзига хос хусусиятлари, шунингдек, ижтимоий-мафкуравий ҳаёт, ҳарбият, демакки, олам – борлиқ, ундаги жамики катта-кичик масалалар, уларнинг манба ва маншаълари қизиқтирган. Шу тариқа у ҳамиша янгиликка ва камолатга интилган.

Бобурнинг аҳамияти тўғрисида машҳур ҳинд ёзувчиси Мулк Рож Онанд шундай дейди: “Улуғ Бобур мемуар ёзганлиги маълум. У поэтик

⁴ W.Erskine “Babur Zaxiriddin Muxammad” 1921 й.

⁵ История Востока, Лекции Курс III 1988-89 ун. гд.

⁶ Джавахарлал Неру “Открытие Индии”. Из-до иностр. Лит-ры, М., 1955 стр. 273.

прозада ёзган эди. Бу китоб биз билан сизнинг меросимиздир. Бу Ўзбекистондаги каби бизда ҳам ғоят қадрланади”.

Юқоридаги каби ҳароратли сўзлар Ҳиндистондаги Бобур Мирзо ва унинг авлодлари фаолиятига берилган ҳаққоний баҳо бўлиши билан бирга Бобурийларнинг мамлакат тарихида тутган ўрни ва ролини ҳам холисона белгилаб беради.

«BOBURNOMA» ASARI HAQIDA

Bu asar dastlab «*Vaqoe'*» («Voqealar») deb atalgan. Keyinroq «*Voqeoti Boburiy*», «*Voqeanoma*», «*Tuzuki Boburiy*», «*Boburiya*» nomlarini olgan.

«*Boburnoma*» nomi bilan shuhrat qozongan. Asarda 1494-1529-yillarda Movarounnahr, Xuroson, Afg'oniston va Hindistonda ro'y bergan voqealar aks etgan. 910 (1504-1505), 915 (1509-1510) - 924 (1518-1519), 927 (1520-1521), 928 (1521-1522), 930 (1523-1524), 931 (1524-1525)-yillarning voqealari asarda berilmagan.

«Boburnoma»ning o'ndan ortiq qo'lyozma nusxalari bo'lib, turli kutubxonalarda saqlanadi. Asarni 1857-yilda Qozonda **N. I. Ilminskiy**, 1905-yilda Londonda **Beverij xonim** nashr etganlar. O'zbekistonda dastlab **Abdurauf Fitrat** 1928-yilda «Boburnoma» dan parchalar e'lon qilgan. Asar 1948-1949-yillarda 2 jildda nashr etilib, 1960-, 1989-, 2002-yillarda uning tuzatilgan nashrlari amalga oshirilgan. «Boburnoma» XVI asrdayoq turli sharq tillariga tarjima qilingan. 1586-yildayoq fors tiliga o'girilgan.

Yodnoma Yevro'paga XVIII asrning boshida kirib borgan. 1705-yilda **Vitsen** kitobni golland tiliga tarjima qilib, Amsterdamda chop etgan. 1871-yilda **Pave de Kurteyl** fransuzcha tarjimasini, 1926-yilda **J. Leyden** va **V. Erksin** asarning inglizcha tarjimasini nashr qilganlar. XX asrda bu asarni **Rashit Rahmati Orat** turkchaga, **Mixail Salye** ruschaga tarjima qilgan. 1826-1985-yillar davomida «Boburnoma» 4 marta ingliz (1826, 1905, 1921, 1922), 3 marta fransuz (1871, 1980, 1985), 1 marta nemis (1878) tiliga o'girilib, nashr etilgan.

1990 йил кузида “Бобурнома” яратилганлигининг 460 йиллиги биринчи марта кенг нишонланди. Шу муносабат билан матбуотда кўплаб мақолалар босилиб чиқди.

Мустақиллик йилларида кадриятларимизни тиклаш ва ўрганишга, буюк сиймоларимиз, хусусан, Бобур Мирзони эъзозлаш, ўрганиш, тарғиб қилиш бўйича тобора кўпроқ ишлар амалга оширилмоқда. 2000 йил 22-24 майда Самарқанд шаҳрида “Бобур ва бобурийларнинг жаҳон цивилизациясини ривожлантиришдаги мавқеи” мавзусида Халқаро илмий анжуман ўтказилиши фикримизнинг далилидир.

“Бобурнома”ни оммалаштиришда бадиий ва сахна асарлари ҳам катта роль ўйнайди. Биринчи навбатда Пиримкул Қодировнинг “Юлдузли тунлар” (Т., 1981), романи ва видеофильми, Хайриддин Султоновнинг “Бобур тушлари” (қиссалар, ҳикоялар, эсселар, Т, 1993) ҳамда шу муаллифнинг “Бобурийнома” (Т., 1997) номли маърифий романи шулар жумласидандир.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, Ўзбекистонда “Бобурнома”ни ўрганиш бўйича талай ишлар қилинди ва қилинмоқда. “Бобурнома”ни тадқиқ этишда кўплаб олимлар ўз хиссаларини кўшдилар. Жумладан, А.Фитрат, П.Шамсиев, С.Мирзаев, Я.Ғуломов, Р.Набиев, В.Зоҳидов Ҳ.Сулаймонов, Ф.Сулаймонова, Н.Отажонов, Л. Хўжаева, С.Шукуруллаева каби олимларнинг бу борада хизматлари таҳсинга сазовордир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Каримов И. Маънавий юксалиш йўлида. Т.: “Ўзбекистон”, 1998.
2. Каримов И. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Т.: “Шарқ”, 1998.
3. Заҳириддин Муҳаммад Бобур “Бобурнома”. Т.: “Юлдузча”, 1990.
4. Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Девон. Т.: “Шарқ”, 1996.
5. Неру Ж. Открытие Индии. М.: 1955.
6. Шарма С.Р. Бобурийлар салтанати. Т.: “Маънавият” 1998.
7. Ҳасанов Ҳ. Бобур-сайёҳ ва табиатшунос. Т.: “Ўзбекистон”, 1983.
8. Эрскин У. Бобур Ҳидистонда. Т.: “Чўлпон” 1995.
9. Ҳамидов Ҳ, Ҳусаний М. Машриқзамин ҳикмат бўстони. Т.: “Шарқ” 1997.
10. Ишмуҳамедов Р.Ж. Инновацион технологиялар ёрдамида таълим самарадорлигини ошириш йўллари. Т.: 2004.
11. Мирзаев И. Бобур маърифати. Т.: “Ўқитувчи” 1996.
12. Иброҳимов А. Бобурнома-буюк асар. ў.ўулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. Т.: 2000.
13. Лаъл Муни. Бобур юбилейи олдидан. Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 1993 йил. 23 декабрь.
14. Қораев Б. Бобур ижодида ватанпарварлик ғоялари. Халқ таълими, 1998 йил, 5-сон.
15. Абдуллаев М. “Бобурнома” ва “Шажари Турк”нинг қиёсий-типологик таҳлили. Ф.ф.н. диссертация автореферати, Самарқанд, 2004.
16. Абдуғафуров А. Навоий ва Бобур. Буюк бешлик сабоқлари. Т.: ў.ўулом нашриёти. Т.: 1995.
17. Воҳидов Р. Биз билган ва билмаган Бобур. Т.: “Маънавият” 1999.
18. Султонов Х. “Бобурийнома” Т.: “Шарқ”, 1997.
19. Йўлдошев Қ. Ўқитувчи китоби. Т.: “Ўқитувчи”, 1997. 209-б.
20. Умумтаълим мактаблари дастури. Ўзбек адабиёти. Т.: “Ўқитувчи”, 1997. 386-б.
21. Ўзбек адабиётидан дарс турлари (методик кўлланма). Тузувчилар: Рафиев А, Ғуломова Н, Келдиёрова Р. Т.: 1999 251-б.
22. Тўхлиев Б. Адабиёт ўқитиш методикаси. Тошкент. «Янги аср авлоди» 2006 й.
23. Тўхлиев Б. Адабиёт. Академик лицейларнинг 2-босқичи учун мажмуа. Тошкент, “Чўлпон”, 2012.